

6-боб. Ота-онани мукофотлаш

Image not found or type unknown



20:22 / 24.10.2018 3270

10 - أَكْؤُلُومَ مُؤَدِّجِي نَأِإِلٍ، ءَدَلِأُو دَلَوِيؤُجِي أَلِ «لَأَقِ رَّبِّبِنَلِلِ نَعِ، ءَؤَزِيؤُهُ بِيَأِأَ نَعِ - 10
ءَقْتُؤُغِيؤُفِ ءَؤِيَرَتُؤُشِيؤُفِ.»

10. Абу Хурайрадан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бола ота-онасига ҳар қанча яхшилик қилса ҳам, уларнинг яхшилигини қайтара олмайди. Фақат уни қул ҳолида топса-ю, сотиб олиб, озод қилса, бундан мустасно», дедилар».

Шарҳ: Ота-онанинг фарзанд учун қилган меҳнатларини мукофотлаш, уларнинг ҳаққини адо этиш жуда қийин иш эканини мана шу ҳадиси

шарифдан билиб оламиз. Фарзанд бу дунёда ҳар қанча уринса ҳам, ушбу ишни бажариб, охирига етказа олиши қийин.

Мабодо ота ёки она бировнинг қўлида қул ёки чўри бўлиб турган бўлса-ю, фарзанд уларни эгасидан сотиб олиб, қулликдан озод қилсагина, мазкур ҳақни адо қилди, дейиш жоиз экан.

فُوطِي أَيَّنَامِي الْجَرَّعِ رَمْعُ نَبَا دِي شُهُنَّ أَثَّحِّي يَبَّأْتَعَمَسَ : لَأَقَ دَرُبِّي بَأْنَع - 11
مَلَّ أُوْبَالِكُرْتَرَعْدُ نِإِلْ دُمْلَا أُوْرِي غَبَّ أَلَّ يِّنْ إِيْلُوقِي ءِوَرَّةَ ظَأَرُوهُمُ أَلْمَحَّ، تَيَّبَلْبَاب
نُبَّأَفَاطُمُثَّ ءِدِحْ أُوْرَفَرَبَّ أَلَّو، أَلَّ : لَأَقَ ؟ أُهُتَيَّزَجَّ يَنَازَتَا، رَمْعُ نَبَا أَيَّ : لَأَقَ مُثَّرَعْدُ
نِي تَعَكَّرَلْ كُنَّ، يَسُومُ يَبَّأْنَبَا أَيَّ : لَأَقَ مُثَّ، نِي تَعَكَّرَلْ صَفَّ، مَأَقَمْلَا يَتَأَفَّ، رَمْعُ
أَمَّهُ أَمَّ أَمَّنْ أَرَّفَكَّتْ.

11. Абу Бурдадан ривоят қилинади:

«Отамнинг қуйидагиларни айтаётганини эшитдим:

«Ибн Умар яманлик бир одамнинг орқасига онасини кўтариб олиб:

«Мен онам минган ювош туяман,

Уловлари чарчаса ҳам, мен чарчамасман», деб Байтуллоҳни тавоф қилаётганини кўрибди. Сўнгра у:

«Эй Ибн Умар! Онамнинг ҳаққини адо қилдимми?» деди.

«Йўқ! Бир марта оҳининг ҳаққини ҳам», деди.

Кейин Ибн Умар тавоф қилди. Мақомга бориб, икки ракъат намоз ўқиди-да, сўнгра:

«Эй Ибн Абу Мусо! Ҳар икки ракъат ўзидан олдин ўтган(гуноҳлар)нинг каффороти бўлади», дедилар».

Шарҳ: Ўйлаб кўрадиган бўлсак, юра олмайдиган онани Ямандан Маккага олиб келишнинг ўзи бўлмайди. Уни кўтариб олиб тавоф қилдириш ҳам осон эмас. Ушбу ривоят қаҳрамони бўлмиш фарзанд онасини Ямандан олиб келиб, орқасида кўтариб, Байтуллоҳни тавоф қилдириш билан онасининг ундаги ҳаққини адо этган деб ўйлаган эди.

У ўз фикрини катта олим саҳобий Абдуллоҳ ибн Умарга тасдиқлатиб олиш учун у кишига:

«Эй Ибн Умар! Онамнинг ҳаққини адо қилдимми?» деб савол берди.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу гапни айлантириб ўтирмай, лўндасини айтиб қўя қолди:

«Йўқ! Бир марта оҳининг ҳаққини ҳам», деди.

Онанинг бир марта эмизиши шунчалар қимматга эга бўлса, ҳамма эмизишларининг қадр-қиммати ва ҳаққи-ҳурмати қанчалар бўлишини ҳар киши ўзи билиб олаверса бўлади.

Онанинг эмизишдан бошқа хизматлари ҳам кўплигини ҳамма билади. Демак, фарзанд онанинг ҳаққини тўла адо этиши амримаҳол. Шунинг учун хаёлни турли ҳисобларга бурмасдан, она розилиги учун бутун борлигини ишга солсин.

Бу ривоятдан олинадиган фойдалар:

1. Қадимдан мусулмон фарзандлар оналарининг хизматида жон фидо қилишни йўлга қўйганлари.
2. Онанинг фарзанддаги ҳаққи улканлиги.
3. Онанинг фарзанддаги энг катта ҳаққи эмизиш орқали собит бўлиши.
4. Ўғил онасини кўтариб олиб тавоф қилдириши яхши иш экани.
5. Икки ракъат тавоф намози ўзидан олдинги баъзи гуноҳларнинг ювилишига сабаб бўлиши.

يَذِبُ نُؤُكَيْ نَاكَو، نَاوَرَمُ هُفَلْخَتْ سَيَنَاكَ رَيْرُهُ أَبَانَا لِيُقِ عَى لَوَمَّ رُمَّ يَبَّأَنَ - 12
عَى فَوَجَّحِي نَا دَارَا إِذِافَ، لَاقَ رَخَّ آيَ فَوَّهَوْتِي بَيَ فُهُمُ تَنَاكَفَ، رَفَّيَ لِحَلَا
أَيَ كَيْلَعَوُ؛ لَوُقَاتَ فُهُتَاكَ رَّبَّو هَلَلَا مَحَرَّو هَاتَّمُ أَيَ كَيْلَعُمُ السَّلَا؛ لَاقَ فَا، هَابَابَ
؛ لَوُقَاتَ فَا، أَرِي عَصَيَ نَتِي بَرَّامَكُ هَلَلَا كَمَحَرَّ؛ لَوُقَاتَ فَا، هَاتَاكَ رَّبَّو هَلَلَا مَحَرَّو يَنُ
؛ هَلَّ شَمَّ عَنَّا نَصَلَّ حُدَيَ نَا دَارَا إِذِ مُتَ. أَرِي بَكَ يَنَّا رَّبَّامَكُ هَلَلَا كَمَحَرَّ

12. Уқайлнинг мавлоси Абу Муррадан ривоят қилинади:

«Абу Ҳурайрани Марвон ўз ўрнига қўйиб кетар эди. У(нинг уйи) Зулҳулайфада эди. Онаси бир уйда, у бир уйда яшар эди. У уйдан чиқмоқчи бўлса, онасининг эшиги олдига бориб:

«Ассалому алайкум, онажон! Ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу!» дер эди. Онаси ҳам:

«Ва алайка, ўғилгинам! Ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу!» дер эди.

«Кичиклигимда тарбиялаганингиз учун сизга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!» дер эди.

«Катталигимда яхшилик қилганинг учун сенга ҳам Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!» дер эди онаси.

Кейин уйга кирмоқчи бўлса ҳам шундай қилар эди».

Шарҳ: Мадинанинг ҳокими бўлган Марвон ибн Ҳакам бирор ёққа кетса, ўзининг ўрнига Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуни қўйиб кетар эди. Мана шу ҳолатнинг ўзи ҳам Ислом оламида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг тутган ўринлари қанчалар улуғ эканини яққол кўрсатиб туради.

Энди ана шу улуғ саҳобий, катта обрў соҳиби, амирлар унинг олдида таъзим қиладиган зот онасининг олдида ўзини қандай тутишини кўриб қўйинг!

Уйдан ҳар чиқишида онасининг остонасига бош уриб, салом бериб, ташаккур айтиб, ижозат сўраб, кўчага чиқар эди.

Уйга ҳар киришида онасининг остонасига бош уриб, салом бериб, ташаккур айтиб, ижозат сўраб, кўчадан келганининг хабарини берар эди.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг бу гўзал иши асрлар оша кўплаб мусулмон фарзандларнинг одатига айлангани фахримиз боисидир. Бу ишни фақат мусулмон фарзандлар, мадрасаи Муҳаммадиянинг талабалари қилиши мумкин, холос.

Бу ривоятдан олинадиган фойдалар:

1. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг Ислом оламида катта обрўга эга зот бўлганлари.
2. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг вақти-вақти билан Мадинага амир бўлиб турганлари.
3. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг оналарига бўлган ҳурмати олий даражада бўлгани.
4. Фарзандлар кўчага чиққанда ва қайтганда ота-оналарга хабар, салом бериб, ташаккурлар айтиб туришлари одобдан экани.

كَرَرْتُ وَرَجَعْتُ إِلَى أَبِي رَيْبِنَةَ لِيُجَرِّعَ لِي لِقَاءَ وَرَمَعْنِي لِدَبْعِ نَع - 13
«أُمُّهُ تَبَّ أُمَّكَ أُمَّكَ حُضَّوْ، أُمَّهُ لِي لِعِجْرَا» لِقَافٍ، نَأْيُ كَيْبِي وَوَبَّ أُمَّكَ

13. Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади:

«Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, ҳижрат учун байъат қилмоқчи бўлди. У ота-онасини йиғлаган ҳолда қолдириб келган эди. Ул зот:

«Ота-онангнинг ҳузурларига қайтгин, уларни қандай йиғлатган бўлсанг, худди шундай қилиб кулдиргин», дедилар».

Шарҳ: Демак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ота-онанинг розилигини топиш, уларни хурсанд қилишни вақти келганда ҳатто ҳижратдан ҳам устун қўйган эканлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ота-онанинг ҳаққини қандай улуғлаганларига бир назар солинг. Ўзларига ҳижрат учун байъат қилгани келган мухлис кишига «Ота-онангнинг ҳузурига бориб, уларни кулдир», демоқдалар.

Баъзи ҳолатларда ёшлар диний амалларга қизиқиб, ота-оналарнинг ҳақларини ортга суриш ҳолатларига йўл қўйишлари мумкин. Бундай пайтларда илм соҳиблари дарҳол уларга насиҳат қилиб, ишни тўғри йўлга буришлари керак экан.

14 - **يَبَا عَمَّ بَكَرُ هَنَّأُ؛ رَبَّخُ لِبِلَاطِ يَبَا تَنْبِئِنَّا هُمَّ أَى لَوْمَ رُمَّ أَبَانَا؛ مَزَاحِ يَبَا نَع - 14**
مُالسَّلَاكِي لَع؛ وَوَصَى لِعَابِ حَاصُ هَضْرَا لِحَدِ إِذِافٍ، قِيَقِ لِبَابِ هَضْرَا لَع لِعَزِيْرُهُ
لِقُوْقِي. هُتَاكْرَبُو هَلَلَا هَمَّ حَرُو مُالسَّلَاكِي لَع وَ؛ لِقُوْقَت. هَاتُّمُ أَيُّ هُتَاكْرَبُو هَلَلَا هَمَّ حَرُو
يَضَرُو، أَرْيَخُ هَلَلَا كَا زَجَفَ، تَنْ أَوْ، يَنْ بَأَيُّ؛ لِقُوْقَتَفَ، أَرْيَعَصَ يَنْ تِيْبَرَا مَكُ هَلَلَا كَمَحَر
وَرَمَّ عَنَّا هَلَلَا دَبَّعَ عَزِيْرُهُ يَبَا مُسَانَاكُ؛ سِوْمَ لَأَق. أَرْيَبَاكُ يَنْ تَرَرَا مَكُ كَنَع

14. Абу Ҳозимдан ривоят қилинади:

«Умму Ҳонеъ бинти Абу Толибнинг мавлоси Абу Мурра унга хабар беришича, у Абу Ҳурайра билан уловга миниб, унинг Ақийқдаги ерига борган экан. У ерига етиши билан баланд овозда:

«Ассалому алайки ва раҳматуллоҳу ва барокатуҳ, онажон!» деб қичқирди.

«Ва алайкас-салому ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу!» деди онаси.

«Кичиклигимда тарбия қилганингиз учун сизга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин», деди.

«Катталигимда яхшилик қилганинг учун сенга ҳам Аллоҳ яхши мукофот берсин!» деди онаси».

Шарҳ: Ушбу маънодаги ривоят олдин ҳам ўтган эди. Бу ерда таъкид учун келтирилмоқда. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг бу ишлари бошқаларнинг гувоҳлигида ҳам бўлиб туриши билдирилмоқда.